



Ислом Нури

Азиз биродар, ҳаммамизни Аллох таоло фиску-фужурдан сакласин, сиз мусика ва куй-ёмонлик элчиси, бузуклик ўчоги, халкларнинг онгини захарлаб, жамиятни бузадиган нарса эканлигини биласизми?!

Бу касаллик жуда кўп халкларнинг аклини ўтмаслаштирган, уларни кўплаб ютук ва маърифатдан махрум қилиб, шахвоний табиатини кўзгаб, охир оқибат расволикка дучор этгандир.

Тарих гувоҳлик беришича, мусика гирдобига тушган хар қайси халк нотавонлик ва ахлокий ҳамда рухий касалликларга гирифтор бўлади. Рум ва Форс халклари бунга жуда яққол мисол бўла олади. Овруро халкларининг қандай халокат боткогида ётганлиги ҳаммага маълум.

Афсуски, кўп мусулмонлар ўтган умматларнинг йўлига эргашиб кетди, кўпчилик уйда, машинасида, хатто ишхона-дўконида мусикани кўймай эшитадиган бўлиб қолди! Вахоланки, мусиканинг харомлигига, тиришқоклик талаб қиладиган, пок, юксак ислом дини таълимотларига зид эканлигига далиллар жуда кўп!

Аллох таолонинг буйруқларини бажариш харакатида юрадиган, Аллох таоло ва расулуллох саллоллоху алайхи ва салламга тўлик содик эканликларини эълон қиладиган, ислом кўрсатмаларига тесқари бўлган хошиш - истаклардан ва урф-одатлардан воз кечадиган, « Аллох номи зикр қилинганида қалбларига кўркинч тушадиган, унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва парвардигорларигагина суянадиган» (Анфол:2) хақикий мўминларга; кўп кишиларнинг назарларида яхши амалга айланиб қолган бу мунқар - қабих амал хақидаги Аллох ва росулининг ҳукмини айтиб ўтамиз:

Аллох таоло айтади:



Ислом Нури

(«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллохнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўл)ни масхара қилиш учун беҳуда сўз (лар)ни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир». (Лукмон:6))

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллохнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўл)ни масхара қилиш учун беҳуда сўз (лар)ни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир». (Лукмон:6)

Саҳобалар бу оятдаги «беҳуда сўз» дан мақсад мусика эканлигини айтганлар:

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху : «Ягона Аллох номига қасамки, бунинг маъноси мусикадир» деб уч бор қайтардилар.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо ҳам шу оятни: «Мусика ва унга қулоқ солиш» деб тафсир қилганлар.

Мужоҳид, Икрима, Хасан ал-Басрий, Саъид ибн Жубайр, Катода, Наҳаъий каби кўпчилик тобеинлар ҳам мазкур оятни «мусика» деб тафсир қилишган.

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Роббим менга арок, кимор, «ковба» ва «қиттийн»ни харом қилди».

«Ковба» сўзи хақида Хаттобий айтадилар: «Бу сўзни «ногора» деб изохлашган, баъзилар нард дейишади. Бу сўз хар қандай торли мусика асбоблари маъносида ҳам ишлатилади.

«Қиттийн» - ҳабаш тилида танбур маъносида бўлиб, бу ҳадиснинг ривоятчиларидан бири «удга ўхшаган мусика асбоби» - деб изоҳ



Ислом Нури

берган.

Яна бир хадисда шундай дейдилар: «Кўнгирок шайтоннинг сурнайларидан биридир».

Бошқа бир хадисда шундай дейдилар: «Менинг умматимда зино, арок, ипак ва мусикани халол дейдиганлар чикади...».

Хадисда музикани харомлиги ҳаммага маълум бўлган зино, арок ва шойи кийим кийиш билан бирга айтилганига эътибор беринг -а!

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Менинг умматимдан бир тоифаси охир замонда тўнгиз ва маймунга айлантириб кўйилади» - дедилар. Шунда сахобалар, ё расулуллох улар ла илаха иллаллох Мухаммадур-расулуллох? – дейишмайдими деб сўраганларида, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам: «Улар намоз ўқийдилар, рўзаларини ҳам тутишади, хаж ҳам киладилар» – дедилар. «Ундай бўлса, нега бундай азобга гирифтор бўладилар?» – дейишганида, «азоб мусика сабабли бўлади: доира чалиб, раккосаларнинг раксини тамошо килиб, кечани ўйин-кулгу ва ичкилик билан ўтказадиларда, тонгда тўнгиз ва маймунларга айланиб коладилар» – дедилар.

Ибн Масъуд розияллоху анху айтадилар: «Сув экинни кандай ўстирса, мусика калбада нифокни шундай ўстиради».

Ибн Аббос розияллоху анхумо айтадилар: «Чилдирма харом, торли мусика асбоблари харом, кавба харом, сурнай харом».

Тўрт мазҳаб уламолари ҳам музиканинг харомлиги борасида ихтилоф килишмаган.



Ислом Нури

Имом Абу Ханифа –роҳматуллоҳи алайҳнинг- мазҳаблари музика борасида бошқа мазҳабларга нисбатан каттиқроқдир: Мазҳаб олимлари ҳар қандай музикани –ҳох най билан чалинсин, хох бошқа асбоби билан бўлсин-ҳаром, музика эшитган киши фосик, гувоҳлиги ўтмайди-деганлар.

Имом Молик –роҳматуллоҳи алайҳ-дан музика ҳақида сўрашганда, уни бизда фосиклар эшитади, ҳолос-деб жавоб берган эканлар.

Имом Шофеъий –роҳматуллоҳи алайҳ: Бағдод шаҳрида бединлар «тағбир» деган нарса ўйлаб топиб одамларни қуръондан тўсишяпти –дедилар.

Шофеъий мазҳабидаги олим Ибн Салоҳ айтдилар: кўшиққа чилдирма ёки най кўшилса, мазҳаб имомлари ҳам, бошқа олимлар ҳам эшитиш ҳаром дейишган.

Имом Аҳмад ибн Ханбал –роҳматуллоҳи алайҳ- айтганлар: «Музика қалба мунофиқликни пайдо қилади, танбурга ўхшаш музика асбоблари синдириб ташланиши керак».

Бу ҳукмдан аёллар мустаснодир. Лекин, уларга ҳам ҳар қандай кўшиқ ҳалол бўлмасдан, балки қуйидаги шартлар топилсагина руҳсат этилади:

1. Шеър ёки лапарда бузук ва ифлос сўзлар бўлмаслиги зарур.
2. Чилдирманинг ўзи бўлиши керак, бошқа музика асбоблари ҳаром қилинган.
3. Ийд (хайит) ёки тўй куни бўлиши керак.



Ислом Нури

4. Аёллардан бошқалар иштирок этмаслиги лозим.

Мазкур шартларнинг далили:

Омир ибн Саъд айтади: «Абу Масъуд, Кураза ибн Каъб ва Собит ибн Зайдларнинг олдларига кирдим. Бир неча киз чилдирма чалиб ашула айтиб туришган экан, «Сахобасизлару бу ишни инкор килмайсизларми?!» – десам «тўйда бизга рухсат берилган» – дедилар.

Оиша розияллоху анҳо айтадилар: «Хайит куни пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам менинг уйимда эдилар, кўшикчи бўлмаган оддий икки ансорий киз Буъос жангида ансорийлар айтган кўшикларни айтиб туришган эди, шу вақт Абу Бакр розияллоху анху кириб колдиларда, «Расулulloх саллоллоху алайхи ва салламнинг уйларида шайтон кўшиклари нима килади?!» – дедилар. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам «Э Абу Бакр, хар кавмнинг байрами-ийди бўлади, бугун бизнинг ийдимиз» – дедилар.

Ўша кизчалар хайит кунида жангга чорловчи кўшикларни чолгу асбобларисиз айтаётган эдилар.

Азиз биродар, келинг куйидаги икки оятни тадаббур килиб, маъноларини чакишга харкат килиб кўрайлик.

Аллох таоло айтади:

(الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ الْجَنَّاتِ
36:الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ الْجَنَّاتِ
الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ الْجَنَّاتِ)

«Албатта, эшита оладиган зотларгина (сизнинг даъватингизни) кабул килурлар. Ўликлар (кофирлар) ни эса Аллох тирилтирур. Сўнгра ўзига



Ислом Нури

кайтарилиурлар». (Анъом:36)

Аллох таоло айтади:

(بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
مَّا یَکْفُرُ بِاللّٰهِ وَرَسُوْلِهِ
وَالَّذِیْنَ یُؤْمِنُوْنَ
50:بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ)

«Энди агар улар сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки улар факат хавои нафсларигагина эргашурлар. Аллох томонидан хидоятланмаган холда ўз хавои нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганрок ким бор?! Албатта Аллох бундай золим кавми хидоят килмас». (Касас:50)

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «ким нохак эканини билатуриб тортишаверса, хатосидан кайтмагунча Аллохнинг газабиди бўлади».

Ҳожи биродарим, Аллох ўзи асраб, тўгри йўлдан оздирмасин!
Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Ким хаж килиб, беҳаё-бепарда сўз айтмаса ва гуноҳ ишлар килмаса, онадан янги тугилган чакалокдек беғуноҳ бўлиб қолади».

Бошка бир хадисда эса «Хажжи мабрурнинг жаннатдан бошка ажри йўк!» – дедилар.

Агар шу ажрни кўлга киритган бўлсангиз, Аллохнинг номига касам ичиб айтаманки, сиз улуг-азиз одамсиз! Энди гуноҳ ишлар килиб, тоат-ибодатларни ташлаб бу ажрни йўк килиб юбориш ёки камайтириб кўйишдан эҳтиёт бўлинг! Чунки, хаждан кейин яхши



Ислом Нури

амаллар килиб тоат-ибодатда бўлиш, мункар-ёмон ишларни ташлаш хажингиз қабул бўлганининг аломатидир. Аксинча, гуноҳ килиб, яхши амалларга бепарво бўлиш эса, хажни қабул бўлмаганининг аломатидир.

Азиз биродарим! Хаждан топган фойдангиз «фалончи хожи» деган номгина бўлиб қолмасин! Аллохнинг номига қасам ичиб айтаманки, бу ном сизга Аллох таоло ҳузурида ҳеч қандай фойда бермайди! Бугун эрта бу ташвишли дунёни чор-ночор тарқ этган вақтингизда амалларнинг хажми ёки жимжимадор номи эмас, балки Аллох даргоҳида қабул бўлиши сиз учун қанчалик муҳим эканини англайсиз!

Аллох таоло хажингизни мабрур қилган бўлсин, гуноҳларингизни қечсин, қилган саъй-ҳаракатларингизни мақбул айласин, оила-фарзандларингиз қучоғига, юртингизга соғ-саломат улуг ажрлар билан қайтарсин! Бу ишларга ундан ўзга ҳеч қим қодир эмас!

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг аҳли байтларига ва барча асҳобларига яратганининг салавоту саломлари бўлсин. Бугун оламларнинг хожаси-Аллох таолога ҳамду санолар бўлсин. Охир оқибат такводорларники бўлур.

- Ҳоким ривоят қилган Саҳиҳул-жомеъ 1885- ҳадисга қаранг.

- Тафсирут-Табарий 10/202.

- Тафсирут-Табарий 10/203.

- Имом Аҳмад Ибн Аббос ва Абдуллох ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган. «Алфатхур-раббоний» 17/132.



Ислом Нури

- Имом Муслим 2114- хадис ва Абу Довуд 2556-хадисларда ривоят килган.
- Имом Бухорий ривоят килган, Фатхул-борий 10/51.
- Бу хадис Абу Хурайра, Оиша, Имрон ибн Хусайн, Абу Молик, Абу Саъид ал-Худрий, Али ибн Абу Толиб, Абу Умома ва бошқа бир неча саҳобалардан нақл қилиган бўлиб, хасан хадисдир.
- Ибн Абуд-Дунё ривоят килган.
- Саъид ибн Мансур ривоят килган.
- Ибнул-Каййим айтадилар: «Тағбир охиратни ёдга соладиган шеър айтаётганларида ёстик ёки шолчага шеърнинг охангига мослаб уриб туришдир...» Игосатул-Лахфон 1/347-351.
- Насоий 2/93, Таёлисий 221-хадис, Ибн Абу шайба, Ҳоким ва бошқалар ривоят қилишган.
- Ахмад 2/70 ва Абу Довуд 3597 – хадисларда ривоят қилишган.
- Бухорий 3/302 ва Муслим 1350-хадисларда ривоят қилишган.